А27

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 891.5:894.375. -1
А-15

АБДУЛЛАЕВ АБУСАИД

# ХХ АСР ИККИНЧИ ЯРМИ АФҒОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ

*(шаклланиш омиллари ва тараққиёт тамойиллари)*

10.01.06 - Осиё ва Африка халқлари адабиёти

10.01.02 – Ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация
А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

б/н

Тошкент – 2007

Тадқиқот Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбарлар:** | филология фанлари доктори, профессор **А. Маннонов;** филология фанлари доктори, профессор **Ҳ. Болтабоев** |
| **Расмий оппонентлар:** | ЎзР ФА академиги **Азиз Пўлатович Қаюмов;** филология фанлари доктори, профессор **Нуъмон Раҳимжонов** |
| **Етакчи ташкилот:** | Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети |

Ҳимоя 2007 йил «____»____________соат_____да Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги филология фанлари бўйича диссертацияларни ҳимоя қилишга мўлжалланган ДК 067.70.02 рақамли Ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади (700047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти асосий кутубхонасида танишиш мумкин (700047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй)

Автореферат 2007 йил "_____" __________да тарқатилди

Ихтисослашган Кенгаш илмий котиби — фил.ф. д., проф. **Р.У.ХОДЖАЕВА**



## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Жамият маънавиятининг пойдевори саналган адабиёт инсониятнинг азалий, тарихий юксалиши, камолотга етиши жараёнида уни ҳаракатга келтирувчи қудратли бир куч сифатида намоён бўлган. Шунинг учун ҳам И.А.Каримовнинг "Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларга қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз"[1] деган тарихий сўзлари бор ҳақиқатни аниқ ва кенг маънода ёритиб берганидан далолатдир.

Афғонистон кўп миллатли мамлакат ҳисобланади. Афғонистонда яшовчи ўзбек (туркий)ларнинг ўз миллий тили ва адабиёти қадимдан мавжуд бўлиб, тараққий этган. Чунки бу кўҳна заминда туркий қабилалар қадимдан яшаб келгани маълум[2]. XIX асргача бу ҳудудда мавжуд бўлган адабиёт умумўзбек адабиётининг таркибий қисми сифатида эътироф этилган. Шунингдек, Лутфий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Машраб, Мажлисий, Хожа каби адабиёт намояндаларининг ижодий фаолияти умумўзбек адабиёти таркибида нафақат Ўзбекистонда, балки Афғонистонда ҳам ўрганилиб келинади.

XIX асрдан бошлаб Афғонистондаги ўзбек адабиёти аста-секин умумўзбек адабиётининг катта ўзанидан ажралиб, маҳаллий ўзанга ўтишга мажбур бўлди ва кейинчалик Афғонистондаги ўзбек адабиётини ташкил этгани ҳолда ҳудудда алоҳида ўз фаолиятини давом эттиришга тўғри келди. Шунинг учун ҳам "Афғонистондаги ўзбек адабиёти" ёки "Афғонистондаги ўзбек шеърияти" иборасини айнан XX асрнинг бошлари, яъни Мустақил Афғонистон давлати ташкил топгандан кейин пайдо бўлган ҳудуддаги ўзбек адабиёти ёки шеъриятига муносабатда қўллаш жоиздир.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу мамлакат ҳудудида азалдан ўзбек адабиёти ривож топиб келган, ўнлаб истеъдодли шоир ва адиблар бу адабиётнинг шаклланиши ва ривожланишига ўзларининг холис ҳиссаларини қўшган ҳамда қўшиб келмоқда. Аммо бу адабиёт Афғонистондаги пашту ва дарий адабиётлари каби ёзма адабиёт сифатида кенг ривож топа олмади. Бунинг жуда кўп сабаб ва омиллари бор. Лекин шуниси ҳам аниқки, Афғонистондаги ўзбек адабиёти XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг тараққиёт йўлига чиқди, шунингдек, ўзбек миллатига мансуб зиёлилар орасидан юзлаб шоир ва адиблар, санъат ва маданият арбоблари етишиб чиқдилар. Уларнинг яратган асарлари, шеърий тўпламлари маҳаллий ўзбек адабиётини жадал ривожланишга олиб келди. Аммо ўзбек адабиёти тарихи, шаклланиши, тараққиёти, мумтоз адабиётга бўлган ворислиги, ижодий принциплари шу каби қатор адабий муаммолари тўғрисида фақат баъзи бир мақолаларда қисқача маълумотларни бериш билан чекланилган. Маълум бир

[1] Каримов И. Кучли давлатдан кучли жамият сари. - Т.: Шарқ НМК, 1998. - Б. 15.

[2] Қаранг.: Ганковский Ю. М. Народы Пакистана. - М.: 1964. - С.82-83; Массон В. М., Ромодин В. А. История Афганистана. - М.: 1964. -Т.1. - С.199-210; Хашимбеков Х. Узбеки северного Афганистана. – М.: 1994. - С.29-31.

яхлит ва кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари адабиётшунос ва шарқшунос олимлар томонидан шу кунга қадар амалга оширилмаган ва етарли даражада ёритилмаган. Хусусан, Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг XX асрдаги тараққиёти илмий нуқтаи назардан тадқиқ этилмагани мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Жумладан, ҳозиргача Афғонистондаги ўзбекларнинг тарихий шароити, маданияти, шунингдек, адабиёти ва унинг мумтоз адабиётга муносабати, шеъриятнинг тараққиёти ва бадиий тафаккури, жанрлари ва бадиий хусусиятлари илмий таҳлилга тортилмаган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ишнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга ҳаракат қилинди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Афғонистондаги ўзбек адабиёти умумўзбек ва умумафғон адабиётларининг бир қисми сифатида махсус тадқиқ этилмаган бўлса-да, бироқ Афғонистондаги пашту ва дарий тилли адабиётлар ўз даврида таҳлил объекти қилиб олинар экан, улар қаторида ўзбек адабиётига тааллуқли фикрлар қисман А.Герасимова, Г.Гирс, А.Маннонов, Р.Иномхўжаев, Ш.Темури, Ф.Аймоқ тадқиқотларида ва О.Усмонов, А.Шаърий Жўзжоний, Н.Комилов, Ш.Ёрқин, А.Абдуазизов, Ҳ.Қудратуллаев, Б.Қосимов, Ҳ.Ёрқин, Ҳ.Болтабоев, Н.Абдуллаев, А.Исмоилов, М.Нишонов, Ғ.Ҳотамов, Ғ.Каримов, Н.Рамазонов каби олимларнинг мақолаларида акс этган. Бу тадқиқот ва мақолалар турли характерда бўлиб, мазкур ишларнинг дастлабкилари (А.Герасимова, Г.Гирс, А.Маннонов, Р.Иномхўжаев) Афғонистон адабиётининг маълум муаммоларига бағишланганлиги ва бу ҳудуддаги адабиётнинг таҳлили муносабати билан ўзбек адабиётининг айрим масалаларига ҳам эътибор қаратилган[3].

[3] Герасимова А., Гирс Г. Литература Афганистана. Краткий очерк. - М.: 1963; Маннонов А. Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёти тарихи. - Т.: 2001; Маннонов А. Об истоков афганской классической литературы. - М.: 1994; Иномхўжаев Р. Афғонистон маърифатпарварлик адабиёти очерклари. - Т.:1999; Темури Ш. Независимая печать Афганистана: традиции и современность. АКК. - Т.: 1993; Файзулла Аймоқ. Халк дурдоналари. - Т.: 1986; Усмонов О. Курашларда тобланган шеърият. - Т.: 1982; Усмонов О. Гулпача Улфат ва унинг "Улус" газетаси ҳақида. // ТошДУ илмий ишлари тўплами. Шарқ филологияси (214 - чиқиш). – Т.: – Б.17-19; Усмон О. Юрт зикрида куйган юрак. // Мулоқот. -1995. -№11-12. - Б.46; Жўзжоний А. Шаръий "Сўнмас бу оташин ишқим..." (Назиҳий Жилва) // Мулоқот. -1994. -№3-4.–Б.41-43; Болтабоев Ҳ. Маҳдум Чустийни биласизми? // Туркистон. – 1997. – 30 апрель; Абдуллаев Н. Узбекские говоры северного Афганистана // Общественные науки в Узбекистане. – 1980. -№1. – С.26-28; Абдуллаев Н. Афғонистондаги ўзбек шевалари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1976. -№4.–Б.68-72; Исмоилов А. Афғонистон ўзбеклари тилининг қисқача изоҳли луғати. – Т.: 1999; Норматов С. Афғонистон ўзбекларида "Гўрўғли" // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1966. -№5.–Б.59-61; Абдуазизов А. Янги ҳаёт нафаси (Афғонистондаги ўзбек адабиёти ҳақида). // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1983. – 16 сентябрь; Абдуазизов А. Танишинг афғон шоири Ашраф Азимий. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1982. – 12 февраль; Ҳотамов Ғ. Афғонистон: Ҳалокатлар. Йўқотишлар. Тақдирлар // Халқ сўзи.–2002. - 3,4,5 январь; Рамазонов Н. Шоир Қурбат: "Бул ватандин чиқма ҳаргиз..." // Бухорономa. – 2000. – 5 июль; Саъдий М., Шаръий Жўзжоний. Вафо ва муҳаббат улуғ қудратдир. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 2005. – 23 сентябрь; Каримов Ғ. Афғонистонлик навоийшунос // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1991. - 22



О.Усмонов, Ф.Аймоқ ва бошқа олимларнинг ишларида Афғонистон матбуоти ва фольклори манбалари ҳақида ҳам фикр юритилган[4]. Бошқа маълумотлар эса даврий матбуот материаллари бўлиб, уларда Афғонистондаги ўзбек адибларининг ҳаёти ва ижодидан ҳамда асарларидан намуналар илова этилган[5].

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси факультети ҳамда Тошкент Давлат шарқшунослик институти илмий ишлари режаларида акс этган ва ушбу даргоҳларнинг илмий кенгашларида тасдиқланган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Тадқиқот XX асрнинг иккинчи ярмида Афғонистондаги ўзбеклар шеъриятнинг шаклланиши, шеъриятда мумтоз адабиёт анъаналарининг акс этиши, унинг тараққиёт хусусиятлари, шеъриятдаги янги поэтик тафаккур, адабий жанрлар, мавзулар доираси, образлар оламида юз берган ўзгаришлар ҳамда унинг ривожланиш даврларини таҳлил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Диссертациянинг асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

XX асрнинг иккинчи ярми Афғонистондаги тарихий шароит, ўзбекларнинг у жуғрофий ҳудудда жойлашиши ва маданиятини ўрганиш;

- Афғонистондаги ўзбек шеъриятида мумтоз адабиёт анъаналарига бўлган муносабат, уни ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг адабиёт(шеърият)да намоён бўлиш шаклларини тадқиқ этиш;
- Афғонистон ўзбек шеъриятида ижтимоий оқимнинг пайдо бўлиши ва унинг сабабларини илмий жиҳатдан асослаш;
- Афғонистонда ўзбек тилидаги матбуот ва ноширлик ишларининг пайдо бўлиши, жумладан, "Юлдуз" газетасининг вужудга келиши ва ўзбек адабиётининг шаклланишидаги ролини белгилаш;
- XX аср иккинчи ярмидаги Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг мавзулар доираси ва образлар оламини кузатиш;
- XX аср иккинчи ярмидаги Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг бадиий хусусиятларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқот манбалари ва предмети.** Афғонистонда XX асрнинг иккинчи ярмида нашр этилган адабий ва даврий тўпламлар, вақтли матбуот материаллари, шунингдек, Қори Шарафиддин Шараф, Муқим Муқимий, Устод Қурбат, Хубий Самарқандий, Қори Азим Азимий, Махдум Чустий,

март; Абдуазизов А., Ғаниева Д. Порлоқ орзулар шеърияти. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1981. - 6 ноябр; Нишонов М. "Юлдуз" - дўстлик элчиси // Шарқ юлдузи. - 1991. -№12. - Б.201-202.

[4] د خلکو تفکر (خلق تفکری) . توپلاوچی عارف عثمان . کابل، 1359، ص. 434
خلق دردانه لری (دردانه های خلق). ادبیات شفاهی اوزبیکی با ترجمه دری. ترجمان و نشرگه کابل.1359.ص390
تیارلاوچی فیض الله ایماق.
سینینگ شعنینگ گه ا ولکم. شعرلر توپلمی. اوزبیک تیلیده(عرب الیفباسیده) تاشکینت.1981.ص.96؛

[5] Исмоилов А. "Юлдуз" саҳифаларида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1987. - 24 апрель; Қудратуллаев Ҳ. Меҳнат аҳли мадҳияси. // Ўзбекистон маданияти. - 1979. - 21 август.

Шаръий Жўзжоний, Муҳаммад Амин Учқун, Эргаш Учқун, Ҳалим Ёрқин, Матин Андхўйи, Ашраф Азимий, Шафиқа Ёрқин, Зулайҳо Сарипулий, Фавзия Ялдо, Зикриллоҳ Ишонч, Тошқин Баҳоий, Ойсултон Хайри каби бир қатор адибларнинг ижодий фаолиятлари диссертациянинг тадқиқот объекти қилиб белгиланди.

Мазкур ишда Афғонистондаги ўзбек матбуотининг илк қалдирғочи сифатида нашр этилган -"یولدوز" "Юлдуз" газетаси[6] марказий матбуот нашрлари "ملیتهای برادر" "Миллатҳойе биродар" ("Биродар миллатлар"), "عرفان" "Ирфон" ("Билим"), "زوندون" "Жвандун" ("Ҳаёт"), "فرهنگ مردم" "Фарҳанге мардўм" ("Халқ маданияти") ва "Паймон" каби журналлар, шеърий тўпламлардаги адабий-бадиий асарлар ҳам таҳлилга тортилди. Бунда диссертантнинг 1986-1988 йиллар давомида Афғонистон Республикасига қилган ўқув амалиёти сафари давомида тўплаган материаллари, ўзбек адиблари билан қилган суҳбатлари ҳамда илмий кузатишлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

**Тадқиқот методи.** Тадқиқот усули сифатида қиёсий-тарихий метод асос қилиб олинди. Уни амалга оширишда афғоншунос олимлар Е.Э.Бертельс. М.Г.Асланов, Г.Ф.Гирс, О.Усмонов, С.Мирзоев, А.Маннонов, Р.Иномхўжаев, Б.Назаров, А.Исмоилов ҳамда ўзбек адабиёти тарихи тадқиқотчиларидан И.Султон, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов, Ҳ.Ҳомидов, Б.Қосимов, Ҳ.Болтабоев ва бошқаларнинг мавзуга доир асарлари диссертация таҳлил йўсинини белгилашда амалий қўлланма бўлиб хизмат қилди.

**Ҳимояга қуйидаги асосий ҳолатлар олиб чиқилади:**

- Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг тараққиёт босқичлари, мавзулар доираси таҳлили;
- шеъриятда мумтоз анъаналарнинг ўрни ва ўзига хослик муаммолари талқини;
- адабий асарларнинг жанрлар тизими ва бадиий хусусиятлари таҳлили ҳамда улардан чиқариладиган хулосалар.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Афғонистондаги ўзбек адабиётининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши қадимдан мавжуд бўлса ҳам унинг XX асрлардаги тарихи шу вақтга қадар ўзбек адабиётининг тараққиёт хусусиятлари билан боғлиқликда ўрганилмаган эди. Ушбу тадқиқотда Афғонистондаги ўзбек адабиётининг мана шу даврдаги ҳолати, ундаги мавзулар доираси ва жанрлар ранг-бaранглиги, бадиий баркамолликка эришган адиблар ижодий фаолияти биринчи марта таҳлил объекти қилиб белгиланди.

Афғонистондаги ўнлаб ўзбек адибларининг асарларидан намуналар диссертант томонидан илмий тизимга солиниб яхлит адабий тўплам ҳолига келтирилди ва нашр қилинди[7]. Тадқиқотда Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг ғоявий мундарижаси, образлар тизими ва бадиий хусусиятлари бирламчи манбалар асосида таҳлил қилинди ва унинг тараққиёт омиллари белгиланди.

---

[6] .296 .295 .290-289 .271 .1363 .164 .147 .144 .143 .139 .135 .122 .102 .1360.روزنامه. یولدوز .431 .420 .411 .404 .403 .401 .1365 .325 .324 .323 .318 ва бошқалар.

[7] Афғонистон ўзбек адабиёти. Ўқув қўлланма. Тузувчи А. Абдуллаев. – Т.: 2003. 124-б.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот хулосаларидан XX аср ўзбек адабиётининг умумий хусусиятларини аниқлашда, хориждаги ўзбек адабиётини кенгроқ режадаги тарихини яратишда, шу билан бирга Афғонистон халқлари адабиёти тарихини яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижалари Республика олий ўқув юртларида Шарқ халқлари адабиётидан махсус курс ва семинарлар ташкил этишда ҳам самара бериши мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ўзбек филологияси факультети Ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси ва Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Хорижий шарқ халқлари адабиёти кафедрасида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. Шунингдек, тадқиқот ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи (10.05.2006) ва Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида адабиётшунослик фанлари бўйича ташкил этилган (17.05.2006) илмий семинарлар муҳокамаларидан ўтган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертацияни асосий мазмуни бир ўқув қўлланма, ОАК рўйхатига кирган илмий журналларда нашр этилган 8 та мақола ва турли илмий тўпламларда ҳамда вақтли матбуот материалларида акс этган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, уч боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 169 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот манбалари ва жорийланиши белгиланди

Диссертациянинг биринчи боби **"Афғонистондаги ўзбеклар, уларнинг XX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-тарихий шароити ва маънавий-адабий ҳаёти"** деб номланади. Бобнинг ***"Афғонистондаги ўзбекларнинг жуғрофий жойлашиши, ижтимоий-тарихий шароити ва маданий-адабий ҳаёти"*** номли биринчи фаслида Афғонистондаги ўзбек миллатига мансуб халқнинг сиёсий-иқтисодий аҳволи, маданий турмуши ва урф-одатларига тавсиф берилади.

Ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги этник таркибда ўзбек миллатига мансуб кишилар салмоқли фоизни ташкил қилади. 1955 йилги маълумотларга кўра, ўзбеклар Афғонистон аҳолисининг 9% ни ташкил этган ҳолда, уларнинг сони 1 млн. дан ортиқ бўлган[8]. Кейинги маълумотлар бу рақамлар ўсганини кўрсатади. М.Г.Пикулин: "Ўзбек қавмлари Афғонистон ҳудудида қадимдан яшаб келади. XVI-XIX асрларда улар Афғонистоннинг шимолида мустақил

---

[8] У карты мира: Афганистан. Географический очерк. – М.: 1956. – С.18-19.

хонликлар ташкил қилганлар: Қундуз, Маймана, Балх, Тошқўрғон, Шибирғон хонликлари шулар жумласидандир"[9] деб маълумот беради.

Бугунги кунда ўзбек афғоншунос олимлари олдида турган муҳим илмий муаммолардан бири Афғонистондаги ўзбекларнинг адабиётини ўрганиш ва тадқиқ этиш масаласидир. Шу пайтга қадар Афғонистондаги ўзбек адабиётига ҳам етарли аҳамият берилмай келинди. Уларнинг ижодий меросларини яхши ўрганмай туриб, умумафғон адабиёти жараёнини тўлиқ тасаввур этиш мумкин эмас. Афғонистондаги замонавий адабиёт, шеърият ўз хусусиятлари билан Ўзбекистондаги юксак тараққий этган бадиий тафаккур ва унинг адабиётдаги аксидан бир мунча фарқ қилади. Афғонистон адабиёти тўғрисида гап кетганда, асосан, илмий адабиётларда пашту тилли адабиётгагина эътибор қаратилган[10]. Афғонистон худудидаги ўзбек, туркман ва бошқа тилларда яратилган ва тарқалган адабиёт назардан соқит қилинган.

Афғонистонда 1919 йилдан кейинги мустақиллик шароити адабиёт ва санъатнинг тараққиётига муайян таъсир этди, ҳатто турли хил ижтимоий тазийқлар туфайли бу ўлкага қўшни мамлакатлардан келиб яшаган зиёлиларнинг таъсири бошқа тиллардаги адабиётлар, жумладан, ўзбек адабиёти тараққиётига ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказмасдан қўймади. Бундай миллий тараққиёт белгиларини нафақат дарий ва пашту тилидаги адабиётда, балки ўзбек ва туркман тилларидаги адабиётда ҳам кузатиш мумкин[11]. Иккинчи жаҳон уруши оқибатида дунёдаги геосиёсат тубдан ўзгарди, бу эса ўз навбатида, Афғонистон мамлакатига ҳам таъсир этди. 1952 йилнинг бошларида ҳукумат томонидан "Афғонистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг бош режаси"ни ишлаб чиқилиши, ниҳоят, 1953 йил сентябрида ҳукумат таркибининг ўзгариши нафақат иқтисодий ва сиёсий, балки маданий соҳада ҳам кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. 1956 йилдан кейинги мамлакатдаги барқарорлашув жараёни туфайли асосий аҳоли ҳисобланган пашту ва дарий тилларида сўзлашувчилардан бошқа қабила ва элатлар тақдирида ҳам нисбатан яхшиланишлар кузатилди[12]. Бунинг натижасида маданий ҳаёт жонланди, пашту тилида чиқадиган айрим нашрлар таркибида энди ўзбек ва туркман тилларидаги асарлар ҳам пайдо бўла бошлади. "انیس" ("Анис"), "اصلاح" ("Ислох") каби расмий нашрларда ҳам ўзбек ва туркман миллатларига оид мақола ва публицистик лавҳалар берила бошлади.

1964 йили мамлакатда ўтказилган конституциявий ислоҳотлар Афғонистон халқ (миллат)ларининг маданий-маънавий ҳаётига ҳам муайян ижобий ўзгаришлар киритди[13]. Афғонистондаги ўзбеклар адабиётнинг азалдан

---

[9] Пикулин. М.Г

[10] Краткая история литератур Ирана, Афганистана и Турции. Сб. статей. – Л.: Изд.ЛГУ, 1971. – С. 69-88.

[11] Ахрамович Р. Т. Афганистан после ворой мировой войны. - М.: ИВЛ, 1961. – С.98-140.

[12] Ахрамович Р. Т. Афганистан в 1961-1966гг. – М.: 1977.-С.152.

[13] Хайдар Саид Мухаммад. Печать Афганистана и ее роль в общественно-политической жизни страны после завоевания независимости (1919-1975). Афтореферат дисс. канд. ист. наук. - М.: МГУ, 1977.



мавжудлиги, адабий анъананинг узоқ тарихий ўтмишга, бой маданий, маънавий меросга эга эканлиги, ўзбекларнинг тараққиётга мойилликни ўзларига тез сингдира олиш хусусиятлари бу халқ орасида адабиётнинг тараққий топишига асос бўлган. Афғонистондаги ўзбеклар маданий ҳаётида ўзига хос, ҳатто бошқа ерлардаги халқ достонларидан кўра салмоғи кўпроқ ва ниҳоятда ранг-баранг халқ қўшиқчилиги санъати муайян ўрин олган. Шунингдек, расмий адабиётда ҳам баъзан юксак, ўртамиёна ва пастроқ савияда шеърлар ёзилиб келинганини таъкидлаш жоиз[14].

Масалага чуқурроқ қаралса, бу даврда ўзбек адабиёти, маданияти, тарихига муштаракликдан ташқари асли ўзбекистонлик бўлган тарихий шароит тақозоси билан ўз ҳаётини Афғонистонда кечиришга мажбур бўлган, лекин ўзбек адабиёти тарихига кирмай қолган айрим сиймолар ижодини ҳам ўрганиш зарурати туғилади. Бундай адабий сиймолар тадқиқот объектининг маълум бир қисмини ташкил этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур ишда Афғонистондаги ўзбек адабиётини икки даврга ажратиш мумкин: XX асрнинг 50-йилларидан XX асрнинг 70-йилларигача бўлган даврни ва 1978 йилдан кейинги адабий даврни алоҳида тадқиқ этишга ҳаракат қилинди.

Биринчи бобнинг "***Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг шаклланиши ва ривожланишида ўзбек тилидаги матбуот ва ноширлик ишларининг роли***" деб аталган иккинчи фаслида Афғонистон ҳудудидаги ўзбек, туркман ва бошқа тилларда яратилган ва тарқалган адабиётнинг нашр манбалари, жумладан, "یولدوز" ("Юлдуз") газетаси, "Жвандун" ("Ҳаёт"), "ملیتهای برادر" ("Миллатҳойе биродар") ("Биродар миллатлар"), "فرهنگ مردم" ("Фарҳанге мардўм") ("Халқ маданияти") каби вақтли нашрлар ва "یاغدو" ("Ёғду") даврий тўплами ва турли адабий мажмуаларда XX асрнинг сўнгги чорагида эълон қилинган бадиий асарларга алоҳида аҳамият қаратилди.

"یولدوز" ("Юлдуз") газетасининг фаолияти тўғрисида "Матбуот осмонида порлаган юлдуз" мақоласида Қариндош тахаллусли адиб Алишер Навоийнинг қуйидаги байтини

یوز کورگوزوب جهان گه فصل اتب
یولدوز مهری ایلاب جلوه کون هر که

келтириб ёзади: "Қисқа вақт ичида газета ўзбек халқининг ўнларча адибларини ўқувчиларга яқиндан танитиб келди, уларнинг ҳаёти, шеърлари ва фаолиятини кенг ёритиб борди... Айниқса, "Адабиёт боғидан сайланган чечаклар", "Унитилган чечаклар", "Ўзбек шоирлари билан танишинг", "Ўзбек Савзивон қўшиқлари", "Ўзбек халқ мақоллари" рукнлари энг муҳим рукнлардандир"[15].

Бундан ташқари газета саҳифаларида Марказий Осиё ва Европа, шунингдек, бошқа халқлар ҳаётига доир материаллар, уларнинг адабиёти, санъати ва маданий ҳаётига бағишланган турли мақола ва хабарлар ҳам эълон қилиниб турилган. Газетада маърифий характердаги мақола ва хабарлар ҳам талайгина. Шундай қилиб, маҳаллий аҳолидан етишиб чиққан ўзбек

---

[14] Қаранг: Усмон Ориф. Юрт зикрида куйган юрак. // Мулоқот. - 1995. -№ 11-12.-Б.43-44.

[15] 30.ص .1357 .یولدوز

адабиётининг кўплаб намояндалари ва уларнинг асарлари билан тўлиқроқ танишуви “يولدوز” газетаси орқали амалга ошди, десак хато бўлмайди.

Афғонистондаги ўзбек шеърияти масалаларига тўхталганда, адабий жараён адабий алоқа ва анъаналар ҳамда муносабатлар заминида ривож топаётганини унутмаслик керак. Бу кўҳна омил билан бир қаторда XX асрнинг 70-йиллари сўнгидаги Афғонистон ҳаётидаги маданий ўзгаришлар нафақат миллий ва адабий тил тараққиётига, балки бу тилда яратилган адабиёт равнақига ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Бадиий адабиётда матбуот ва радио билан боғлиқ равишда янги адабий шакллар вужудга келди ва такомиллашиб борди.

Иккинчи боб **“XX аср иккинчи ярми Афғонистондаги ўзбек адабиёти ва шеъриятининг тараққиёт босқичлари”** деб номланган бўлиб, унинг ***“XX асрнинг 70-йилларигача бўлган даврда Афғонистондаги ўзбек шеърияти вакиллари ва улар ижодида мумтоз адабиёт анъаналари”*** деб номланган биринчи фаслида Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг барҳаётлиги ва адабий анъаналарнинг давомийлигини сақлашга салмоқли улуш қўшган адиблар ҳақида маълумот берилади.

Афғонистондаги ижодкор ўзбеклар кўпроқ мумтоз адабиёт анъаналарига содиқ равишда, Алишер Навоий, Бобур ва Машраб ижодида юксакликка кўтарилган шеърий жанрлар ғазал, рубоий, мухаммас (тахмис), маснавий сингари жанрлар доирасида ижод қилиб келганлар. Уларнинг шеъриятига хос хусусиятларни ўрганишда ҳисобга олиниши зарур бўлган омиллар талайгина. Улардан бири Афғонистондаги ўзбеклар яратаётган шеърий асарлар, муайян бир қатлам, асосан, зиёлилар томонидан яратилиб келинганини эътиборга олиш зарур. Шу билан бирга бугунги Афғонистондаги ўзбек шеъриятига ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари томонидан яратилган гўзал шеъриятнинг руҳияти келиб қўшилади ва бу анъана аввалги форсий ўзандаги шакллар билан бойиб боради.

XX асрнинг иккинчи ярмида Афғонистондаги ўзбек адабиётида маълум сиймолар ва асарлар вужудга келган бўлса-да, уларнинг ижоди сиёсий шиорлар билан боғланиб қолиб, унчалик кучли тарзда намоён бўлмаган. Бу давр ичида яратилган асарларни кузатганда, мавжуд шеърий савия, адабий вазият ва аҳволни, адабий муҳит заминида ётган фикр гулдасталарини жамлаб гапиришга тўғри келади. Апрель давлат тўнтаришига қадар ҳам ўзбек адабий сиймолари Қодирий Фалангпўш, Чўх Халфа, Марвий, Тархоний домла, Қори Шарафиддин Шараф, Азим Азимий, Устод Қурбат, Комил Форёбий, Нафир Тотор, Авлобий, Хайрий ва бошқалар фаол ижод билан шуғулланиб келганлар, уларнинг бадиий ва илмий асарлари халқ орасида мавжуд ва машҳур бўлган. Бевосита XX аср сўнгидаги Афғонистондаги ўзбек шеърияти ҳақида фикр юритилганда Эргаш Учқун, Шаръий Жўзжоний, Муҳаммад Исҳоқ Сано, Олим Лабиб, Сайфиддин Нурий, Муҳаммад Амин Матин, Абдусалом Осим, шунингдек, шоиралардан Шафиқа Ёркин, Ойсултон Хайри ва бошқаларнинг номларини келтириб ўтиш лозим.

Турли адабий ҳавзалардаги илмий маданият ва адабиётни бир комплекс жараёнга олиб келиб қўшганда муштарак миллий маданият ва маънавият барпо этилади. Афғонистондаги ўзбек адабиётини масалаларини конкрет ва



атрофлича таҳлил қилиш учун уни шартли равишда икки даврга бўлиб ўрганиш керак бўлади. Биринчи XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб 1978 йилгача бўлган даврда ўзбек адабиёти икки алоҳида жуғрофик худудда, айрим сиёсий режимлар вазиятида яшаганликлари сабабли адабиёт алоҳида тарихий жараённи бошидан кечириб келган ва ўзига хос ривожланиш йўлларига эга бўлган. Мазкур худуднинг эътиборли шоирларидан саналган Маҳжур Мичанхел (1893-1973) бўлиб, (манбаларда Маҳжурий домла сифатида қайд этилган), у ҳақда Пўлатжон Қаюмовнинг «Тазкираи Қайюмий» асарида ҳам маълумотлар бор[16]. Шоирдан қолган адабий мерос дарий тилидаги девон, арабча ва ўзбекча шеърлардан иборат тўпламдир.

Домла Бедил Тошкандий номи билан машҳур шоир Қори Шарафиддин Шараф қатағон йиллари она Ватанидан чикиб, Афғонистоннинг Андхўй шаҳрида мударрислик қилган. Алишер Навоий, Фузулий, Камол Хўжандий ва Бедил ғазалларига тахмислар боғлаган, мустақил мухаммаслар ва ғазаллар ёзган. Алишер Навоийнинг машҳур «Саҳар ховар шаҳти чарх узраким хайли ҳашам чекти» деб бошланувчи ғазалига боғлаган мухаммаси Тошкентда бошқа шеърлари қаторида нашр этилган[17].

XX асрнинг иккинчи ярмида шуҳрат топган шоирлардан бири Устод Қурбат (1901-1989)дир. Ўзбек ва дарий тилларида ёзган шеърлари асосида тартиб берилган девони “قربت استاد دیوان یا اشعار زیبایي کلشن” (“Гулшани зибои ашъор ё девони Устод Қурбат”) номи билан 1995 йили АҚШда нашр этилган[18]. Бутун Шарқ мамлакатларини кезган шоир, шундай хулосага келади:

بهشت رشك ایرور ملکی عرب و ایران گرچه
اورنینه اوزبکستان اوتمز هیچ شهری لیك[19]

Бу давр адабиётида шеърият етакчилик қилган бўлса, унинг асосий мумтоз жанри саналган ғазал ва мухаммаслар фаол истифода этилган. Шоирнинг мухаммасларидан “жудолиғ ўтлари сачрайди”, инсоннинг хорлиги, мамлакат вайронлиги унинг бош мавзусига айланади.

Қори Муҳаммад Азим Азимийнинг энг муҳим асарлари сифатида “ دیوان اشعار اوزبیکی” (“Девони ашъори ўзбаки”), “دیوان اشعار دری” (“Девони ашъори дарий”), “نصاب الصبیان” (“Нисоб ус-сибён”), “التحفه العظیمیه فی قواعد تعمیه” (“Таъмийа қоидаларига оид Азимийнинг совғаси”), (غزللر) “با کاروان بیدل” “Бедил карвони билан (ғазаллар)”, “قواید القران منظوم” (“Манзум Қуръон қоидалари”) кабилар тилга олинади.

Афғонистонда яшашга мажбур бўлган ватандошларимиздан бири шоир Махдум Чустий шеърлари ва “Ёддоштҳо” – “Эсдаликлар”и сақланган. Шеърлар мажмуаси Истанбулда (1986) Ойдин Учқун Афғонли томонидан нашр қилинган. Адиб ўзбек ва форс тилларида ижод қилган.

Махдум Чустийнинг “Ватан доғини кўр!” ғазали нафақат Ватан фироқида ёзилган бир бадиа, балки юксак санъаткорлик нуқтаи назаридан ҳам шоирнинг

---

16 Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. 1-3 жилдлар. 2-жилд.–Т.: 1998.–Б. 442.
17 «Ишонч». – 2002. 22-сон.
18 قربت استاد. کلشن زیبایي اشعار یا دیوان استاد قربت. کابل- نیو یارك.1374.ص. 470
19 قربت. استاد گلشن زیبایي اشعار یا دیوان استاد قربت. کابل- نیو یارک.1374.ص.467.

дид ва завқи баландлигини англатиб туради. Фурқат шоми ичра ғарқ бўлган шоир субҳдан дарак топмайди, чунки бу танда бошдан оёқ туфроқдир. Чустий кўз ёши билан ғурбат ерларини боғ айлади, уни билиш учун эса, қонли ғунча ва япроғини кўр. Ватан доғида куйдим, кулларимни ҳавога сочгил ва унинг заррасининг шаклига қара, ўша зарралар бағрида лоладек нақш бўлган Ватан доғини кўр:

باق شکلیغه سین ذره هواغه ساچغیل اخگریم
کور داغینی وطن اولگان نقش بغریده دیك لاله
گان ایله با غ ییرین غربت بیلان یاشی کوز چستی
کور یفراغینی غنچه بیلور گه رازین یورك قان[20].

Афғонистонлик ўзбек адибларининг XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган мумтоз шакллардаги асарларида бу диёрда ўзбек шеърияти шаклланганидан дарак берувчи юксак санъаткорлик намуналарини учратиш мумкин.

Бобнинг ***“XX асрнинг сўнгги чораги Афғонистондаги ўзбек шеърияти ва янги поэтик тафаккур”*** деб номланган иккинчи фаслида Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг иккинчи даври, яъни XX аср сўнгги чорагидаги янги тараққиёт босқичи таҳлил этилган.

Ҳар бир шеъриятда бўлгани каби Афғонистон ўзбеклари шеъриятида ҳам бир қанча ғоявий-шаклий хусусиятларни ўзида жамлаган чорак асрга яқин Афғонистон ўзбек шеърияти яралиш давридаёқ инқилобий-ижтимоий руҳ билан дунёга келди. Ижтимоий руҳ мазкур шеъриятда устувор хусусият касб этмоқда ва ҳатто етакчи тенденцияга айланди. Савр воқеаларидан ҳам ўзбек шеърияти катта ўзгаришлар кутди ва уни мадҳ этишга киришди. Инқилобий мавзудаги асарлар меҳнаткашларга унинг олиб келган фойдаси ва берган озодлиги билан ўлчанди. Саййид Сирожиддин Қонеъ ишчиларни шундай мадҳ қилади:

چیمیب لر مشقت و رنج دایما قبارتیب قول
گن ایله داد سحر و شام توکیب تیر ییدین منگله[21]

Миллий биродарлик масаласини кун тартибига қўйилиши ўз-ўзидан ана шу мақсаднинг олий нуқтаси Ватан ва уни мустаҳкамлаш ғоясига етаклайди. Мазкур даврдаги Афғонистон қўшиқларида ватан йўлида лирик қаҳрамон ўз жонини фидо қилажагини таъкидлайди.

Ашраф Азимий қаламига мансуб сатрлар оддий Ватан мадҳи эмас, ўз қисматини ватанда айри кўрмаган халқнинг Ватан ободлигини жаҳон ободлиги ва осойишталиги билан уйғун тушунишнинг натижасидир.

بولر اباد جهان بیزگه اگر بولسه وطن اباد
وطن ویرانه بولگنده جهان ویرانه دور بیزگه[22]

[20] Mahdum Çustiynin' şiirlerı. – Istanbul: 1986. – S. 5.
[21] 9. س .1984. یولدوز
[22] ص. 21 کابل،1364، شعرلر. سیلنگن .ظفر الوغ .اشرف عظیمی،



Йигирма йиллик жафолар уларни дунё тараққиётидан қанчалар орқага сурган бўлмасин, жаҳон билан ҳамқадам бўлишга интилиш энди балолардан қутулиб, осойишта ҳаёт йўлига қадам ташлаган халқнинг ниятидир. Чунки Ватан йўлида қурбон бўлиш, шаҳидликнинг мукаррам жиҳати шундаки, у сифат бошқа ватандошларга ҳам кўчади. Ўзининг улуғлигини (жалолини) бошқаларга ҳам юқтиради ва натижада Ватан келажаги, ободлиги нияти билан яшаш тирикликнинг фахрига айланади. Шаҳидликнинг ўзи ҳали ватанпарварлик белгиси эмас, агар ҳамма шаҳид бўлаверса, у Ватанда кимлар яшайди. Шунинг учун ҳам шўро истибдоди кучайган даврда, табиийки, ватанни тарк этишлар бўлди. Ўз юртидан узоқда, унинг ёди, кўнгли билан яшаш оғриқлари ватандаги жафолардан кам эмас. Мумтоз адабиётда кўнгил мамлакат маъносида келади, кўнгил ободлиги юрт ободлиги каби қабул қилинади. Шоир Эргаш Учқун ана шундай Ватан фироқи ҳақида ёзади ва «сенсиз ўзига кўнгил бегонадур» деган хулосага келади:

اوچر عقل و فراست گلخنی روحیمدن اوچقون دیك
قسم باالله که، سین سیز اوزیغه بیگانه دور کونگلم[23]

Афғонистондаги Савр воқеаларидан кейинги даврда вужудга келган кескин сиёсий шароит сиёсий шеъриятни вужудга келтирди. Афғонистон ўзбек адабиёти мавзулар доирасига публицистик талқиннинг кириб келиши мамлакатдаги ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ. Бу ўзгаришларнинг натижаси қандай бўлишидан қатъий назар шоир ва ёзувчилар ижодида ўзининг холисона самимий аксини топмоқда. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний (1935 й. туғ.) ушбу талқинга мос бармоқ вазнида ҳам шеърлар битган. Айтиш лозимки, анъанавий шеърият диёри Афғонистонда бу вазнда яратилган асарлар нисбатан оз, мавзу доираси ҳам анчагина тор эди. Шоир “آمودریا” шеърига она дарёнинг оҳангига мос равишда ижтимоий маъно юклади:

سی اویه طوفان فرزندی دینگیز مین
سی اویه بوران سی آنه تولقونلر[24],

Замонавий шеъриятнинг ривожланишида адиба, шоира ва таржимон Шафиқа Ёрқин, Зулайҳо Сарипулий, Ойсултон Хайри, Фавзия Ялдо, Райҳона Раҳмоний, Кубаро Кайвон, Осифа Шодоб, Ойдин Хайри, Олия Онут, Фаришта Зиёйи ва бошқа шоиралар асарларининг аҳамияти бор.

Бугунги Афғонистон мамлакати қисмати, қайсидир маънода миллатнинг келажагига ҳам дахлдор ҳодиса. Ўзбек тилида янграган ва бугун ҳам қайта тирилган шеърий овозларни тинглаганда миллат ва Ватан қайғуси бош мавзу бўлганини ва доимо шундай бўлиб қолажагини англаш мумкин.

Учинчи боб **“XX аср иккинчи ярми Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг жанрлари тизими ва бадиий хусусиятлари”** деб номланади. Бобнинг ***“Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг жанрлари тизими”*** деб

[23] کمان رنگین گداز محمد اسلم، رحیم ابراهیم، حامد فاریابی، محمد کازم امینی، تاشقین بهایی و عبدالمحمد شایق وصال. فاریاب،1369، ص. 154 . فاریاب (از قرن یازدهم الی نیمه اول قرن چهاردهم). سخنوران از تذکره یی .شعر
[24] 11-12. ص. 1369 کابل، .توپلمی شعرلر .آمودریا .جوزجانی شرعی

номланган биринчи фаслида Афғонистондаги ўзбек шеърияти адабий тур ва жанрлар нуқтаи назаридан ўрганилган.

Шеъриятнинг жанрий хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, ўзбек мумтоз адабиётида азалдан мавжуд бўлган мумтоз шеърий жанрлар ҳозирги Афғонистон ўзбек шеъриятида ҳам ўз аксини топаётганининг гувоҳи бўламиз. Булар орасида энг фаол жанрлар ғазал ва мухаммас бўлса, рубоий, маснавий, мустазод, таркиббанд, таржеъбанд ва китъалар ҳам Афғонистон ўзбек шеъриятида бирмунча кўп қўлланилаётган шеърий жанрлардан ҳисобланади. Бу адабий жанрлар аруз вазнида барқарор бўлгани учун ҳозирги замон ўзбек шеъриятида мавжуд бўлган сарбаст, сочма ва бармоқ вазнидаги шеърлар эндигина пайдо бўлаётганини эслатиш мумкин.

Анъанавий жанрлар йўналишида ижод қилиш алоҳида туркумларда ҳам намоён бўлади. Муҳаммад Амин Матин томонидан Султон Ҳусайн Бойқаронинг "Ҳусн боғи" ғазалига татаббуъ қилинган 23 нафар шоирларнинг ғазалларини "ییلی تانگ" ("Тонг ели") шеърлар тўпламига жамлаб нашр эттирди[25]. Бобур туғилган кунининг 500 йиллиги муносабати билан 1983 йили "بابرگه ارمغان" ("Бобурга армуғон") номли шеърий тўпламда татаббуъ услубида Бобурга эргашиб ёзилган асарлар жамланган[26].

Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг инқилобий руҳи мумтоз жанр бўлмиш ғазалнинг мазмун хусусиятларини ўзгартириб юборди. Шоирлар ғазал учун хос бўлган анъанавий мавзу ишқ-муҳаббат ҳақида ёзганларида ҳам бу муҳаббатни кўпроқ ўз ватанлари, халқларига қаратдилар. Анъанавий ишқдаги мавҳум ишқий ўксинишлар ўрнини ватанга бўлган севги туйғуси эгаллади[27]. Бунга мисол сифатида Ялдонинг "Ватан ишқи", Қори Сайфуллоҳ Сангиннинг "Ватан меҳри" ғазалларини келтириш мумкин.

Фаол қўлланилиш нуктаи назаридан ғазалдан кейинда турган шеърий шакл мусамматлардир. Афғонистон ўзбек шеъриятида мусамматнинг мураббаъ, мухаммас турлари кенг истифода этилганини кузатиш мумкин. Тахмис боғлаш ҳоллари мумтоз адабиётга эргашган кекса авлод Азим Азимий, Устод Қурбат, Махдум Чустий, Шарафиддин Шараф ижодида кузатилган бўлса, 70-йиллардан кейин яратилган мухаммаслар бу жанрнинг имкониятларидан фойдаланиб, унинг мавзу кўламини кенгайтиришга бўлган ҳаракат сифатида баҳоланиш мумкин.

XX асрнинг 80-90-йиллар шеъриятида рубоийнинг турли навъларини учратиш мумкин. Булар рубоийи хосса, таронаи рубоийдир. Бу даврда мумтоз рубоийларни ҳам, оддий тўртлик шаклидаги шеърларни ҳам учратиш мумкин. Рубоийнинг нисбатан мушаккал кўринишлари Эргаш Учқун ижодида учрайди. Улар Бобур рубоийларига ҳамоҳанг тарзда юрт, диёр мадҳи ва фироқида ёзилган:

سودایی بولیب، یوللرده کیزگن بیز ایدیک،
بیر لیلی اوچون چوللرده کیزگن بیز ایدیک،

---

[25] Қаранг: ییلی تانگ. لر شعر. توپلمی، ص 1365، کابل. 274

[26] 70 .ص ،1362کابل، توپلمی. شعرلر .ارمغان بابرگه

[27] رنگین گداز محمد اسلم، رحیم ابراهیم، حامد فاریابی، محمد کازم امینی، تاشقین بهایی و عبدالمحمد شایق وصال. فاریاب،1369، ص. 328 فاریاب (از قرن یازدهم الی نیمه اول قرن چهاردهم). سخنوران از تذکره یی .شعر کمان



سین مین ایدینگ و مین سین ایدیم ای شاهی،
داستانلر ایدیک، تیللرده کیزگن بیز ایدیک[28]

XX асрнинг биринчи чораги шарқона бадиий адабиёт шаклларининг ғарб шеъриятидаги бадиий шакллар билан алмашинуви даври бўлди. Бунинг натижасида ғазал, рубоий, туюқ каби асрий анъанавий шеърий жанрлар ўрнини халқона содда шеърлар, аруз вазни ўрнини бармоқ эгаллай бошлади. Натижада, шаклий жиҳатдан XX асргача бўлган ўзбек шеъриятидан фарқланувчи тамоман янги ўзбек шеърияти вужудга келди. Зикриллоҳ Ишончнинг қуйидаги шеърида ана шу янгиланишларнинг нафасини сезиш мумкин:

هیجان تامچی لر دل سماسیدن،
کوزلر سحراسیده چوکدی بولوتلر،
یشیل بیراق لرده اورلگن دردیم،
قورقه من، اولدیره ر.[29]

XX асрнинг иккинчи ярмида, асосан, мумтоз шеърий жанрлар фаол қўлланишда бўлса, шу асрнинг 70-йилларнинг сўнгроғидан янги адабий жанрлар, бармоқ ва сарбаст вазнидаги шеърлар ва сочма тарзидаги адабий парчалар адабиётга кириб келди ва Афғонистон ўзбек шеъриятининг жанрлар хилма-хиллиги ва шаклий баркамоллиги йўлида хизмат қилди.

Бобнинг иккинчи фасли ***«Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг бадиий хусусиятлари»*** деб номланган ва унда шеъриятда қўлланилган бадиий санъатлар таҳлил этилган.

Мумтоз шеърият қадимдан образлиликка бой, унда ҳар қандай фикрлар ҳам бадиий санъат воситасида айтилган. Мумтоз адабиётшуносликда илми саноеъ деб ном олган санъат намуналари ҳозирги Афғонистон ўзбеклари шеъриятида маълум даражада учрайди, шеъриятнинг образлилигини таъминлашга хизмат қилади. Анъанавий шеъриятда, айтайлик, тазод санъати қарама-қарши образларни қўллашда табиат ҳодисаларига асосланиш кучли кўринишга эга:

یاشلیك آرزوی کوترمس دلدن لیغ قری
[30]کونکول ایستر بهار گر خزانغه بول ایتمنگ عیبیم

Бунда *қарилик ва ёшлик* антитезаси, мумтоз шеъриятда жуда қўл келган *ҳазон ва баҳор* тазоди воситасида ифодаланган. Ёки ғазалнинг кейинги байтига эътибор қаратилганда

یارنی آخر اوتتی کوندوز کیچه بیرلان رنج
[31]کونگل ایستر نهار و لیل گیسوسیدین و عارض .

---

[28] Қаранг: Ergeş Uçkun ve Yurt köşüğları. - S. 162.

[29] Қаранг:.3.س.1366 ."یولدوز"

[30] کمان رنگین گداز محمد اسلم، رحیم ابراهیم، حامد فاریابی، محمد کازم امینی، تاشقین بهایی و عبدالمحمد شایق وصال. فاریاب،1369، ص. 48 فاریاب (از قرن یازدهم الی نیمه اول قرن چهاردهم). سخنوران از تذکره یی .شعر

[31] کمان رنگین گداز محمد اسلم، رحیم ابراهیم، حامد فاریابی، محمد کازم امینی، تاشقین بهایی و عبدالمحمد شایق وصال. فاریاب،1369 ص. 48 فاریاب (از قرن یازدهم الی نیمه اول قرن چهاردهم). سخنوران از تذکره یی .شعر

каби нозик санъаткорлик билан яратилган тимсолларни учратамиз. Бу ерда *кеча-лайли* нисбатига *кундуз-ораз* муносабати қаршилантирилмоқда. Унга қўшимча маъно юкловчи *гису* (соч) қоронғилик рамзи сифатида келса, унинг зидди бўлган *наҳор* кундузга тааллуқли ҳодиса экани маълум. Ранж билан кечани ўтказган ошиқ ҳеч бўлмаганда наҳорда васлига етишишга умид қилади. Айни ғазалда бир неча санъатлар *тазод, таносиб, ташбеҳ, истиораларни* кетма-кет қўллаш орқали мумтоз шеъриятнинг устивор қонуниятларига амал қилмоқда ва шу билан бирга янги поэтик образ яратилмоқда. 80-йиллардан кейинги шеъриятда тазод қўллаш орқали ижтимоий маънога урғу берилади, *ўтмиш ва бугун* нисбати *кеча ва кундуз* воситасида қўлланилади, айрим ижтимоий талқиндаги шеърларда эса *ишчи (камбағал) - бой* нисбати жуда фаол учрайди.

Бироқ бадиий санъатларни қўллаш нуқтаи назаридангина эмас, балки юксак ижтимоий маънолар билан иш кўрганда «ҳусни матлаъ, ташбеҳ ёки истиора» каби санъатлар шеърда учрамаслиги мумкин деган фикр ҳам шоир томонидан илгари сурилади:

دیسون یوق عباره شعرینگده اهلی معانی قوی
دیسون یوق استعاره یا و تشبیه مضمون حسن
دیسون یوق یاره مونده کورگچ بغریمنی کبی تاش

دیسون یوق بیر اشاره آنده اوچقون که نیچوک بو
بولای ولقانینگ یاشورون سوزنده تگیده بیر[32]

Бадиий санъатларни шаклбозлик асосида сунъий равишда яратиш мумкин, аммо бу лафзий санъатлар ўша фикрнинг ифодасига хизмат қилмагани учун ҳам якка ўзи шеърнинг бадиий бутунлигини ифода эта олмайди.

---

[32] کمان رنگین گداز محمد اسلم، رحیم ابراهیم، حامد فاریابی، محمد کازم امینی، تاشقین بهایی و عبدالمحمد شایق وصال. شعر. سخنوران از تذکره یی فاریاب (از قرن یازدهم الی نیمه اول قرن چهاردهم). فاریاب، 1369 ص. 155



## ХУЛОСАЛАР

1. Афғонистон мамлакати этник таркибида ўзбек миллатига мансуб аҳоли сони салмоқли бўлган ҳолда, уларни ўзларига хос урф-одатлари, миллий қадриятлари ва маданиятлари мавжуд. Афғонистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элат вакиллари мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш ва тенглик, тинчликка бўлган интилишлари жараёнларида ўз тилларида мактаблар очиш, матбуот жорий этиш ва ўзларини маданиятлари, жумладан, адабиётларини шакллантириш, тараққий эттириш тўғрисида ҳам чора-тадбирлар излай бошладилар ва бунга қисман эришдилар.

2. Мамлакатдаги барча миллат ва элатлар, жумладан, ўзбек миллатининг зиёлилари ҳам ижтимоий-иқтисодий масалалар билан бир қаторда маданий соҳаларга ҳам катта эътибор бердилар. Улар қўшни Ўзбекистон ва жаҳон адабиётининг йирик намояндаларини асарларини мамлакат матбуоти саҳифаларига олиб кирдилар ва у ерда ҳам адабиётни кенг ўзанларда тараққий этишига катта замин ҳозирладилар.

3. Афғонистондаги ўзбек адабиётининг XX асрнинг сўнгги чорагидаги тараққиёти миллий тилда яратилган матбуот ва радионинг вужудга келиши билан мустаҳкам боғлиқ. 1978 йилда Кобулда нашр этила бошлаган "Юлдуз" газетаси Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг шаклланиши ва тараққиётига жуда катта ҳисса қўшди.

4. Матбуот ва радионинг вужудга келиши, ўз навбатида, миллий тилнинг такомиллашувига ва адабий тил тараққиётига ҳам хизмат қилди. Матбуотнинг тараққиёти билан Афғонистондаги ўзбек тилининг турли лаҳжаларида мустақил ҳолда кўнгил хуши - шеърият билан машғул кишилар энди ўзларининг машқларига ҳам миллат тақдирига доҳил маънавий унсур сифатида қарай бошладилар. Шеъриятнинг юксак талабларини тан олган ҳолда бадиий асарлар яратишга киришдилар.

5. Афғонистондаги ўзбек матбуотида нашр этилган хорижий адибларнинг ижод намуналари бевосита Афғонистондаги барча миллатлар, жумладан, ўзбеклар шеъриятини мавзулар кўламини хилма-хиллаштирди, унинг ғоявий мазмунини ҳам йил сари тараққий этиб боришига ижобий таъсир кўрсатди. Тор ишқий мавзуда яратилган асарлар ўрнини кучли ижтимоий руҳга эга бўлган, бадиий жиҳатдан бир мунча юқори асарлар эгаллашида ҳам матбуотнинг роли жиддий ижобий таъсир этгани сезилди.

6. Матбуот орқали адабиёт тараққий этди ва у ўз ўрнида ижодкор шахслар Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний, Ашраф Азимий, Муҳаммад Амин Матин, Ҳалим Ёркин, Исҳоқ Сано, Шафиқа Ёрқин, Муҳаммад Лабиб, Ф.Ялдо, О.Баёний, Т.М.Жўзжоний, Т.Баҳоий, З.Ишонч, Ф.Аймоқ, О.Хайри ва бошқаларни юзага чиқарди. Ўз тақдирини халқининг маданияти ва маънавияти билан жиддий боғлаган бир қатор истеъдодли шоир ва адибларнинг яратган янги асарлари матбуот орқали ўз ўқувчиларига етказилди.

7. Афғонистондаги ўзбек адабиёти XX асрнинг сўнгги чорагида давр талаблари асосида тараққий этиб янги мавзу ва мазмун, илғор ғоя ва адабий тафаккурни касб этишида, биринчидан, мумтоз адабиёт анъаналарини вориси сифатида шаклланиб, тараққиётга юз тутгани бўлса, иккинчидан, XX асрнинг

50-70 йиллар адабиёти намояндалари томонидан яратилган асарларнинг бевосита кўмаги ва таъсири натижасида янги поэтик тафаккурга эга бўлди.

8. Афғонистондаги ўзбек шеърияти нафақат мавзулари олдинги даврларга қараганда анча кенгайди, унинг бадиий-ғоявий мазмуни тубдан ўзгарди ва тараққий этиб борди. Кўнгил хушлиги доирасидаги тор ишқий мавзу ва мазмунларда яратилган асарлар ўз ўрнини аста-секинлик билан бўлса-да, ҳаётга жуда яқин бўлган воқеа ва ҳодисаларни, инсонлар тақдирини, уларни муаммоларини ёритувчи ижтимоий руҳга эга бўлган, бадиий жиҳатдан пухта асарлар эгаллади.

9. Ватан мавзуси билан боғлик ҳолда *кеча, бугун ва эрта* тимсоллари шеърий асарлардан ўрин олди, *мужоҳид* ва *шаҳид* тимсоллари янгича маъънолар ташийдиган, *қаҳрамон, ботир* ишқ йўлида, шахсий бахти учун инсу жинс ва турли афсонавий кучларни енгувчи эмас, балки Ватан учун курашчи маъносида қўлланиладиган бўлди. Демак, Афғонистондаги ўзбекларнинг янги давр шеърияти янги мавзулар, янги ғоялар ва янги ижодий принципларни вужудга келтирди, мумтоз адабиётда қўлланилган анъанага янгича талқин бахш этди.

10. Бу давр шеъриятида, асосан, кўҳна аруз вазни таомилдаги шеърий тизим бўлиб хизмат килган бўлса ҳам, бу тизимни ичдан янгилашга, бармоқ ва эркин шеър шаклларида асарлар яратишга интилишлар, янги шаклий изланишлар юз берди. Афғонистон ўзбек шеъриятида бадиий санъатлар билан иш кўришда кўпроқ ўзбек мумтоз шеърияти бадииятига суяниш тамойиллари ҳам яққол кўринади.

11. Мумтоз шеърий жанрлардан ҳозирги Афғонистондаги ўзбек шеъриятида фаол жанрлар сифатида ғазал ва мухаммас, рубоий, маснавий. мустазод ва қитъаларни учратиш мумкин. Анъанавий жанрлар йўналишида ижод қилиш алоҳида туркумларда ҳам намоён бўлади. Султон Ҳусайн Бойқаронинг «Ҳусн боғи» ғазалига татаббуъ қилинган ғазалларнинг “یلی تانگ” (“Тонг ели”) ва тўпламида, “بابرگه ارمغان” (“Бобурга армуғон”) номли тўпламдаги шеърларда мумтоз адабиётдаги татаббуъ услубида Бобурга эргашиб ёзилган асарлар бу усул устивор хусусиятлардан бири эканини тасдиқлайди.

12. Минтақада энг кўп тарқалган шеър шакли ғазал бўлиб, шеъриятдаги инқилобий руҳ бу мумтоз жанрнинг хусусиятларини ўзгартириб юборган. Шоирлар ғазал учун хос бўлган анъанавий мавзу ишқ-муҳаббат ҳақида ёзганларида ҳам бу муҳаббатни кўпрок ўз ватанлари, халқларига каратдилар. XX асрнинг 80-90-йиллар шеъриятида анъанавий мавҳум ишқий ўксинишлар ўрнини ватанга бўлган севги туйғуси эгаллади. Фаол қўлланилиш нуктаи назаридан ғазалдан кейинда турган шеърий шакл мусамматлардир. Афғонистон ўзбек шеъриятида мусамматнинг мурабба, мухаммас турлари кенг истифода этилганини кузатиш мумкин.

13. Мусаддаслар нисбатан кам учраб турган шеърий шакллардандир. Айрим шоирлар ижодида мустаҳзодларни ҳам кузатиш мумкин. Бу жанрдаги вазн оҳангида кўтаринкилик мавжуд бўлиб, унинг ўқилишининг ўзиёқ куй ҳосил қилаётгандек таассурот қолдиради. XX асрнинг 80-90-йиллар



шеъриятида рубоийнинг турли навъларини: рубоийи хосса, таронаи рубоийларни ҳам, оддий тўртлик шаклидаги шеърларни ҳам учратиш мумкин.

14. Афғонистон ўзбек шеъриятидаги жанрий янгиланишлар аввало, бармоқ тизимини шеъриятга кириб келиши билан бошланди. Мумтоз шеърий жанрлар фаол қўлланишда бўлса ҳам, шу асрнинг сўнгги чорагида янги адабий жанрлар, бармоқ ва сарбаст вазнидаги шеърлар ва сочма тарзидаги адабий парчалар адабиётга кириб келди ва Афғонистондаги ўзбек шеъриятининг жанрлар хилма-хиллиги ва шаклий баркамоллиги йўлида хизмат қилди.

15. Афғонистондаги ўзбек шеъриятида бадиий санъатлар билан иш кўришда кўпроқ ўзбек мумтоз шеърияти бадииятига суяниш тамойиллари ҳам яққол кўринади. XX асрнинг 80-йилларидан кейинги шеъриятда эса бундай тазод қўллаш орқали ижтимоий маънога урғу берилади, *ўтмиш ва бугун* нисбати *кеча ва кундуз* воситасида қўлланилади. Анъанавий шакллар бағрида янгича фикр-қарашлар ифодаланилади, замонавий муаммолар мумтоз шаклни ўзига мослаштиради.

## РЕЗЮМЕ

диссертации соискателя Абдуллаева Абусаида на тему «УЗБЕКСКАЯ ПОЭЗИЯ ВО ВОТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XX ВЕКА В АФГАНИСТАНЕ» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.06 - Литература народов Азии и Африки и 10.01.02 -Современная национальная литература (узбекская литература)

**Ключевые слова:** Афганистан, узбек, литература, поэзия, период, поэтика, жанр, художественность, язык и метод.

**Объекты исследования:** Литературные и периодические сборники, публикации на периодические печати, опубликованные в Афганистане во второй половине XX века на узбекском языке; творчество узбекоязычных поэтов Шарафиддина Шарафа, Мукима Мукими, Устада Курбата, Ашрафа Азимий, Эргаша Учкуна, Матина Андхуи, Ташкина Бахои.

**Цель работы:** исследование (изучение) особенностей развития узбекской поэзии в Афганистане, изменений произошедших в поэзии во второй половине XX века и периодов их развития.

**Метод исследования:** сравнительно–историческое литературоведение.

**Полученные результаты и их новизна:** Несмотря на то что, рождение и развитие поэзии на узбекском языке в Афганистане существует издавна, анализ развития узбекской поэзии в Афганистане во второй половине XX века проводится впервые на данной работе.

**Практическая значимость:** Материалы данной работы можно использовать при создании истории Афганской литературы «Узбекская литература в Афганистане», при обучении курсов афганской и узбекской литературы в университетах и институтах Востоковедения.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования отражаны в 8 опубликованных в научных журналах статьях и одно в учебное пособие. Материалы диссертации использовались при чтении лекции по специальным курсам «Узбекская литература в Афганистане» (бакалавриат».

**Область примерения:** литературоведение.



## RESUME

**Thesis of Abdullaev Abusaid**
**on the scientific degree competition of the doctor of sciences (philology) in 10.01.02 – Present national literature (uzbek literature) and 10.01.06 -The Asian and African People's literature speciality**
**subject:**
**«The Progressive peculiarities of Afghanistan uzbek literature (2 nd period of XX th century)».**

**Key words:** Afghanistan, uzbek, literature, poetry, fiction, publicism, period, style, artistry, language and style.

**Subject of the inquiry:** Literature and periodical collections published on the 2 nd period of XX th century in Afghanistan; poets who create the poems in uzbek such as Sharafiddin Sharaf, Mukim Mukimi, Ustod Kurbat, Shar'i Juzjani, Shafika Yarkin, Matin Andkhui, Ashraf Azimi, Ergash Uchkun, Toshkin Bakhoi's works.

**Aim of the inquiry:** The progressive peculiarities of Afghanistan uzbek literature occured changes on the 2 nd period of XX th century's literature and its developing period are studied as a purpose of the work.

**Method of inquiry:** historical-typological study of literature.

**The results achieved and their novelty:** Although the born and developing of uzbek literature are existed from the ancient time. The progress of Afghanistan uzbek literature (on the 2 nd period of XX th century ) is signed as an object of analise, in the first time.

**Practical value:** It can be used in creating the history of Afghanistan literature, teaching special courses on "Afghanistan uzbek literature" and teaching courses on afghan uzbek literature in the Institute of Oriental Studies and in the universities of country.

**Degree of embed and economic effectivity:** the results of the investigation were seen nine (8) published scientific articles and during the presentations at the scientific-theoretical conferences. The materials of the dissertation were used in delivering lectures on general literature course "Uzbek literature in Afghanistan"(bachelor's degree).

**Sphere of usage:** Style of literature.

Тадқикотчи Абдуллаев А.

Босишга рухсат этилди 14.06.07
Бичими 60х84 1/16 Шартли 1,5 б.т. 100 нусхада босилди. Буюртма №

© Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2007